

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ**  
**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ**  
**КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ**  
**А Ж Р И М И**  
№1-1406-2301/206

2024 йил апрель ойининг 2 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,  
раислик қилувчи судья: М.Эргашев,  
ҳайъат судьялари: З.Ибрагимов ва А.Холбоевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Абдиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори У.Рахимов, судланган Ғ.И ва унинг ҳимоячиси-адвокат О.Хайриева, фуқаровий даъвогар А.Очиловнинг иштирокида, судланган Ғ.Ига оид жиноят ишини фуқаровий даъвогар А.Очиловнинг шикоят асосида кассация тартибда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2024 йил 23 январдаги ҳукмига кўра:

1978 йил 30 июнда Жомбой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг 07.10.2020 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси кўлланиб, 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузагиш ишлари жазоси тайинланган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, Булунғур туманида жойлашган “Газтаъминоти” бўлимида суюлтирилган углеводородли газ хизмати бўлими бошлиғи лавозимида ишлайди, Жомбой тумани, Гулистон маҳалласи, Камолот кўчаси, 1-уйда рўйхатда туриб, Жомбой тумани, Аҳмаджон Қурбонов маҳалласи, Баҳористон кўчаси, 3-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси кўлланилган **И.Ғ.**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 65-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинган.

Суднинг ажримига кўра, Ғ.И 2021 йил 11 ноябрь кунидан “Булунғуртумангаз” газ таъминот бўлими суюлтирилган газ хизмати бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда, ўз мансаб мавқеидан қасддан фойдаланиб, мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, унинг лавозим йўриқномасига кўра, тасдиқланган график асосида, кунлик истеъмолчиларга етказиб берилган газ миқдори тўғрисидаги маълумотлар ва ҳисоботларни автоматлаштирилган “E-GAZ” онлайн дастурига ўз вақтида, тўғри ва сифатли киритиб борилишини назорат қилиш, “Ҳайдовчи” ва “чилангар-таъминотчи” ходимларнинг иш фаолиятини доимий назорат қилиб бориш мақсадида жойига чиққан ҳолда суюлтирилган газ тарқатилишини ҳаққонийлигини, тарқатиш жараёни автоматлаштирилган “E-GAZ” дастури орқали онлайн равишда амалга оширилишини ҳамда маълумотларни ва дастур билан ҳисобот орасидаги тафовутлар юзага келмаслигини таҳлил қилиб бориш, газ тўлдириш иншоотларидан қабул қилинган ва тарқатилган газ миқдорларини, маиший газ баллонлар ҳаракати, истеъмолчиларнинг ўз вақтида газ билан таъминланиши бўйича маълумотларни автоматлаштирилган “E-GAZ” дастури орқали доимий равишда таҳлил қилиш бориш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора кўриш, ой давомида қабул қилинган суюлтирилган газ ҳажмлари бўйича газ тўлдириш шохобчалар билан солиштирма-далолатномаларни расмийлаштириб филиал бухгалтерия ҳисоби бўлимига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5 санасигача топширишни таъминлаш, қабул қилинган ва истеъмолчиларга етказиб берилаётган суюлтирилган газ ҳажмлари ҳамда маиший газ баллонлар бўйича ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни ўрнатилган тартибда филиалнинг тегишли бўлимларига топширилишини таъминлаш юклатилган бўлса-да, ушбу вазифаларни лозим даражада бажармасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги “Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 646-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом талабларини кўпол равишда бузиб, иш фаолияти давомида 2023 йил январь-май ойларида “E-GAZ” дастурида Булунғур туманида 70.100 кг 339.767.690 сўмлик жуда кўп миқдордаги аҳоли хонадонларига тарқатиши лозим бўлган суюлтирилган газ маҳсулотини белгиланган график бўйича истеъмолчиларга етказиб бермасдан, тумандаги 28 та МФЙда аслида яшамайдиган фуқаролар номига ва ҳар бир истеъмолчига белгиланган меъёрдан ортиқча кўшиб ёзиш йўли билан асосиз чиқим қилиб, “E-Gaz”



дастурига киритиб, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган.

Шикоятда, биринчи инстанция суди асоссиз равишда депозит ҳисоб рақамида сақланаётган пулларни 21.474.840 сўмини Ғ.Исроиловга ва 318.292.850 сўмини “Булунгуртумангаз” ГТБ фойдасига қайтариш белгилагани ҳақида важлар келтириб, депозит ҳисоб рақамига тўланган ушбу пулларни “Худудгазтаъминот” АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиш сўралган.

Фуқаровий даъвогар А.Очилов судлов ҳайъатига ариза билан мурожаат қилиб, унда суд ҳукмида кўрсатилган пуллар “Худудгазтаъминот” АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги сабабли, кассация шикоятини қайтариб олиши, шу сабабли шикоятни кўрмасдан оқибатсиз қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати, кассация шикоятини қайтариб олиш ҳақидаги аризани иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, кассация тартибида иш юритишни тугатишни ва аризани қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 504<sup>1</sup>-моддасида ҳукм, ажрим устидан кассация шикояти (протести) берган шахс уни қайтариб олишга, маҳкум эса ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга, маҳкумнинг ҳимоячиси, қонуний вакили ўз шикоятини фақат маҳкумнинг розилиги билан қайтариб олишга кассация инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар ҳақли эканлиги;

509<sup>9</sup>-моддасида шикоят, протест қайтариб олинган ҳолларда, кассация тартибида иш юритиш тугатилиши белгиланган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати ажримга нисбатан бошқа шикоят ёки прокурор томонидан кассация протести келтирилмагани, кассация шикоятини қайтариб олиш қонун талабларига зид келмаслиги, фуқаровий даъвогар А.Очилов ўз хоҳиш иродасидан келиб чиқиб шикоятини қайтариб олаётганлигини инобатга олиб, кассация тартибида иш юритишни тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 504<sup>1</sup>, 509<sup>9</sup> ва 509<sup>10</sup>-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

#### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми “а” банди билан **И.Ғ.** оид жиноят иши бўйича фуқаровий даъвогар А.Очиловнинг кассация шикоятини қайтариб олиш ҳақидаги аризаси қабул қилиниб, кассация тартибида иш юритиш тугатилсин.

<b>Раислик қилувчи</b>	<b>(имзо)</b>	<b>М.Эргашев</b>
<b>Ҳайъат судьялари</b>	<b>(имзо)</b>	<b>З.Ибрагимов</b>
	<b>(имзо)</b>	<b>А.Холбоев</b>
<i>Аслига тўғри</i>		

